
Ўзбекистон туманида 4 та тажриба асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесга жалб қилиш бўйича Ўзбекистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Имомназаровнинг МУРОЖААТИ
Ассалому алайкум, ҳурматли тумандошлар!

Мухтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган 4 та тажриба, яъни **Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон** тажрибалари янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, маҳаллаларда драйвер лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатни ривожлантиришда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил мобайнида **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида 73 та маҳаллаларда жами **2190 та** микролойиҳалар (қиймати 75 млрд 525 млн.сўм) амалга оширишни режалаштирган эдик.

Амалда ўтган давр мобайнида **1653 та** лойиҳалар (қиймати 97 млрд 443 млн.сўм) **(75,5 %)** ишга туширилди.

Шундан **октябр ойида 292 та** лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда 31 та лойиҳалар ишга туширилди **(10,6 %)**.

“Зарбдор тажрибаси” асосида **23 та** маҳаллаларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида жами **23 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **850 та**.

Амалда бугунги кун ҳолатига **14 та** лойиҳалар (қиймати 73,0 млрд.сўм) ишга туширилиб, **494 та** иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон туманида **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида **10 та** маҳаллаларда “тепага ўсадиган” (вертикал) саноат бинолари ташкил қилиш, бино ва иншоотларларга эҳтиёжи юқори бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқариш қувватларини кўчириш бўйича жами **150 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **1314 та**.

Топшириққа асосан **28 та** лойиҳалар шакллантирилди. Иш ўринлари сони - **917 та**. Амалда бугунги кун ҳолатига **21 та** лойиҳалар ишга туширилган. Иш ўринлари сони - **537 та**.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **“Уйчи тажрибаси”** асосида **июль-декабр (2-ярим йиллик)** ойлари мобайнида банк мижозлари билан **16 та** учрашувлар ўтказиш ва бунинг натижасида **1 367 та** иш ўринлари яратиш белгиланган. Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан **12 та** учрашувлар ўтказилиб, **944 та** иш ўриналари яратилди **(69,1%)**.

Октябр ойида **3 та** учрашув ташкил этилиб, **352 та** иш ўринлари яратиш белгилаб олинди.

2024-10-09 11:47:58